

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 126157 на приобретение Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 28.07.2022

Время рассмотрения 28.07.2022 10:16

Конкурсная комиссия Жиззах вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ARAKULOV O'ROL XUDOYNABAYEVICH	Бошкарма бошлиги	Жиззах вилоят сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	NIZAMOV BAXTIYAR BAXRITDINOVICH	Фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил этиш буйича етакчи мутахассис	Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	TO'RAYEV SOBIR XAYRULLAYEVICH	Бош гидротехник	Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	ABDIYEV SULAYMAN KADIROVICH	мухандис гидротехник	Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	SHADIYEV ABDUVOXID NAVRUZOVICH	Платина бошлиги	Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси
<b>Член комиссии</b>	XALIQULOV FAXRIDIN BURXANOVICH	главный бухгалтер	Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.07.2022 года № лота 126157.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 75.00 / Весовой коэф. ценовой части: 25.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по текущему ремонту сооружений</b>
Подробное описание	Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1524 036 118.00
Стартовая сумма	1524 036 118.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси ва объектга бажарилиши лозим булган ишларни техник топширик асосида асосланган холда объектларни куздан кечириш далолатномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси ва объектга бажарилиши лозим булган ишларни техник топширик асосида асосланган холда объектларни куздан кечириш далолатномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	50	50	50	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	50	50	30	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	10	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ишчи-ходимлар ҳам киради)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ишчи-ходимлар ҳам киради)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	8	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг лицензия ва гувоҳномаси (лицензия бажариладиган иш соҳасига мос)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг лицензия ва гувоҳномаси (лицензия бажариладиган иш соҳасига мос)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	10	Экспертная		

Критерий №5 Иштирокчининг техника, махсус техника ва махсус ускуналари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг техника, махсус техника ва махсус ускуналари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	10	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	10	Экспертная		

Критерий №7 Кафолат хати (Ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда бажариш муддати кўрсатилган ҳолда)

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати (Ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда бажариш муддати кўрсатилган ҳолда)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>STAND-ELEKTRONICS MЧЖ</b>	10	10	10	Экспертная		
<b>ООО "ФАКТОР FAYZ"</b>	10	10	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом	Применение преференции	Общее значение	Дата предложения	Оценка стоимости
------------------------	-----------------	--------------------	----------------	------------------------	----------------	------------------	------------------

			конвертации (UZS)		(UZS)		(балл)
<b>STAND-ELEKTRONICS МЧЖ</b>	1 524 036 118.00	1 523 980 000.00 UZS	1 523 980 000.00	00.00	1 523 980 000.00	27.07.2022 12:43:15	25.00
<b>ООО "ФАКТОР ФАЙЗ"</b>	1 524 036 118.00	1 524 036 110.00 UZS	1 524 036 110.00	00.00	1 524 036 110.00	27.07.2022 17:58:59	25.00

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>STAND-ELEKTRONICS МЧЖ</b>	75	25	100
<b>ООО "ФАКТОР ФАЙЗ"</b>	60	25	85

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 126157 от 28.07.2022 года на приобретение Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари определила победителем:

STAND-ELEKTRONICS МЧЖ  
204607611

и резервный исполнитель: ООО "ФАКТОР ФАЙЗ" (203198324)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ARAKULOV O'ROL XUDOYNazarovich	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TO'RAYEV SOBIR XAYRULLAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABDIYEV SULAYMAN KADIROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SHADIYEV ABDUVOXID NAVRUZOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XALIQULOV FAXRIDIN BURXANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Жиззах вилоят сув омборлардан  
фойдаланиш» бошқармаси бошлиғи  
комиссия раиси  
Ў.Х.Аракулов  
2022 йил

«Жиззах вилоят сув омборлардан фойдаланиш» бошқармаси учун бюджет маблағлари ҳисобидан товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

**МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 11**

2022 йил «02» август

Учтепа шаҳарчаси

«Жиззах вилоят сув омборлардан фойдаланиш» бошқармаси бошлиғи Ў.Х.Аракулов,  
(Бюджет ташкилоти номи, раҳбари, раҳбар И.Ф.О.)

2022 йил «14» январдаги № 05-И -сонли бўйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

**Қатнашдилар: КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:**

А.Шодиев -Платина бошлиғи  
С.Тўраев - Бош гидротехник  
Ф.Халикулов - Бош ҳисобчи  
Б.Низамов - Мухандис гидротехник танлов комиссиясининг котиби  
С.Абдиев - Ф ва ТТЭБ етакчи муҳандиси

**Қун тартиби:**

Жиззах вилоят СОФБ махсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича махсус ахборт порталида 28.07.2022 йилда № 22110012126157- сонли Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов мажлис баёни юзасидан келиб тушган эътирозлар бўйича.

Жиззах вилоят СОФБ учун товар(ишлар, хизматлар)ларни харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган даъвогар ташкилотлар ва уларга қўйилган умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат)нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (микдори)	Бошланғич нархи	STAND-ELEKTRONICS МЧЖ		ООО "ФАКТОР FAYZ"			
					Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл		
1	Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари	Хизмат	1	1524036118	1523980000	100	1524036110	85		
	<b>Жами</b>	<b>x</b>	<b>x</b>	<b>1524036118</b>	<b>1523980000</b>	<b>100</b>	<b>1524036110</b>	<b>85</b>		

28.07.2022 йилда № 22110012126157- сонли Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари бўйича ўтказилган электрон танлов мажлис баёни юзасидан 02.08.2022 йил соат 08:20 га қадар талабгорлар томонидан ҳеч қанака ёзма ёки оғзаки эътироз ёки мувожадатлар келиб тушмади.

Комиссия Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари учун ўтказилган электрон танлов бўйича

**Қарор қилади:**

Жиззах вилояти сув омборлардан фойдаланиш бошқармаси тасаруфидаги Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари учун электрон тарзда ўтказилган танловда жами 100 балл билан ғолиб бўлган STAND-ELEKTRONICS МЧЖ билан шартнома имзоланиб. Ҳазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилсин.


А.Шодиев  
(И.Ф.О.)

С.Тўраев  
(И.Ф.О.)

Ф.Халикулов  
(И.Ф.О.)

Б.Низамов  
(И.Ф.О.)

С.Абдиев  
(И.Ф.О.)

  
(Имзо)

## № 35802 сон пудрат шартномаси

Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари

02.08 2022 йил

Ш.Рашидов тумани

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, Жиззах вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи У Арақулов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган, STAND ELEKTRONICS МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Саидов М иккинчи томондан, мазкур Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари объектини 28 июль 2022 йил Лот № 221100012126157 сонли Давлат хариди бўйича ўтказилган электрон танлов савдо баённомасига асосан ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган “Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари” объектида ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи” га ишларни бажариш учун объектни лойиҳа ҳужжатларини топширади, “Пудратчи” томонидан объектнинг лойиҳасига асосан бажарилган ишларни барча ижро ҳужжатларини тақдим қилгандан кейин қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, тендер комиссиясининг 28 июль 2022 йил № 126157 сон билан тасдиқланган тендер комиссия баённомасига асосан, “Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари” объекти бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг умумий қиймати (кўшилган қиймат солиғи билан) жорий нархларда **1 523 980 000 (Бир миллиард беш юз йигирма уч минг туккиз юз саксон минг) сўм**, (шундан ҚҚС-198 780 000 сўм) сўм қилиб белгиланган

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- Хукумат Қарорлари, Фармон, Фармоишлари ва Мажлис баёнларига асосан тегишли ўзгартиришлар киритилганда;
- иккинчи ва кейинги йилларда ўтувчи объект бўлганда;

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш:

-барча ишларни мазкур шартнома, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан қатъий лойиҳа бўйича бажариш ҳамда ишни “Буюртмачи” га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

-“Буюртмачи”ни пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- қурилиш таваккалчиликларини сўғурта қилиш;
- қурилиш майдони қўриқлигини таъминлаш;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ва жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган қисмини мажбурий тарзда ўз кучлари билан, қолган қисмини субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши, ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

### IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани бажариш учун:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича “Пудратчи” га бериш;

-ишлар бажарилиши устидан техник назоратни, хар ойда 3 мартадан кам бўлмаган ҳолда муаллифлик назорати ва қурилиш назорати органлари томонидан ўтказилишини ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятларга риоя этилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи”дан тугалланган ишларни лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа таълуқли ҳужжатларга эга бўлишини, лойиҳа бўйича тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги назорат қилиш;

-“Пудратчи”нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда тегишли ташкилотлар билан кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан “Пудратчи” га бўнак бериш ва ажратилган маблағ доирасида жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 3(уч) ой давомида “Пудратчи” га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш (Форма 2, Форма 5, Счет фактура ва бошқалар);

-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

### V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Қурилишнинг давом этиш вақти, пудрат шартнома тузилган кундан эътиборан молиялаштириш маблағи доирасида 90 (тўқсон) иш кунни ташкил этади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Объектда ишларнинг бошланиш муддати—2022 йил 01-август ойдан  
Объектда ишларнинг тугалланиш муддати – 2022 йил 01-ноябрь ойгача

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 15% миқдоридан, аванс ўтказида, бу **228 597 000** (Икки юз йигирма саккиз миллион беш юз туксон етти минг) сўмни ташкил этади.

6.2. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” га бўнак бериш ва жорий молиялаштириш объектдаги ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига асосан амалга оширилади.

6.3. Жорий молиялаштириш “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар сифатли бажарилиб, тегишли барча ижро ҳужжатлари билан “Буюртмачи”га топширилиб уларни текшириб олингандан кейин, берилган бўнакни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалига асосан объектнинг шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача миқдорда амалга оширилади.

6.4. Объектда бажарилган қурилиш ишлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. “Буюртмачи” қурилиш майдонида ўз вакилини - техник назоратчини буйруқ билан тайинлайди, у “Буюртмачи” нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. “Пудратчи” техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор “Пудратчи” томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни халқилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади. Хар ойнинг 1 санасида шу ойда режалаштирилган маблағни ўзлаштириш бўйича қафолат хати тақдим қилади.

7.5. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш қатъий объектнинг лойиҳаси асосида ва тартибини давлат қурилиш назорати органлари билан келишган ҳолда ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. “Буюртмачи” қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун “Пудратчи” га геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.7. “Пудратчи” лойиҳага мувофиқ геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” ва лойиҳачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни «Пудратчи» ўз ҳисобидан киритади.

7.8. “Пудратчи” геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатлар, техник паспортлар ёки бошқа ҳужжатларни, лойиҳа бўйича ишларни тўлиқ ва сифатли бажарилган ҳолда қафолат хати билан “Буюртмачи” га тақдим этади ва бунга жавобгар бўлади.

7.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи”, “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.10. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.11. “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан сўнггина, кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.12. Агар беркитиладиган ишлар “Буюртмачи” нинг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгга эса уни тиклашга мажбурдир.

7.13. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи” нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

“Пудратчи” дафтарда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни кўрсатилган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бажариладиган қурилиш объектлари бўйича “Пудратчи” корхоналар билан ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда ва тўлов турлари воситасида амалга оширилади.

## VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч таъсири натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаса жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

## IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

9.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

9.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” нинг ёзма билдиришномаси “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида объектдан фойдаланувчи субъект билан биргаликда қабул қилиб олинади.

9.3. “Пудратчи” қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин “Буюртмачи”га белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. “Пудратчи” “Буюртмачи” га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда қафолат хати билан тасдиқлаши лозим.

9.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект ушбу объектдан доимий фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотининг мулкига айланади.

## X. КАФОЛАТЛАР

10.1. “Пудратчи”:

-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига, ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди;

-“Буюртмачи” томонидан ажратиладиган маблағларни мақсадли сарфланишини таъминлайди.

10.2. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати, нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи” нинг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини “Пудратчи” дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

10.3. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан имзолашдан ёки бажаришдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “қурилиш назорат” ёки эксперт органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. “Буюртмачи”:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи” нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

-“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. “Пудратчи”:

-ишларнинг бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда “Буюртмачи” га берилади, “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи” га тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон, мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5. Шартнома тарафларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томониккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

12.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи” га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,01 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

12.3. “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш ва ишларни бажариш жадвали бўйича мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” “Буюртмачи” га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш “Пудратчи” ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи”



сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.6. "Буюртмачи" томонидан объектда бажарилган ишларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар мақсадсиз сарфланган тақдирда, "Пудратчи" мақсадсиз сарфланган маблағни махсус молиялаштириш ҳисоб рақамига тиклайди ҳамда унинг 10 фоизи миқдориди жарима тулайди

12.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

14.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2. "Пудратчи" қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини "Буюртмачи" нинг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирор-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4. "Буюртмачи" билан "Пудратчи" ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

14.5. Агар "Пудратчи" шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда "Буюртмачи" "Пудратчи" қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхадан тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

### XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ Жиззах вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси	ПУДРАТЧИ STAND ELEKTRONICS МЧЖ
Манзил: Жиззах вилояти Ш.Рашидов т. Учтепа даҳаси Пахтакор к-си	Манзили: Кашкадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ислоҳ Каримов кучаси 212
Тел. 55-151-88-77	Тел: 973103069
СТИР: 305695682	Факс: 972222456
ШХВ: 100021860082127042402170002	СТИР: 204607611
Молия вазирлиги ягона ҳисоб рақами 23402000300100001010	Ҳисобрақам: 20-10-01-0006199-860-001
Банк Марказий банк ХКМ Тошкент ш.	Ҳисобрақам: 20208000804270910001
МФО: 00014	Банк: ҚАРШИ Ш., "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ ҚАРШИ ФИЛИАЛИ
	МФО: 01119
Директор:  У Аракулов	Раҳбар:  М Саидов
М.ў.  имзо	 имзо

Ҳуқуқшунос хулосаси: Мен Ушбу № 35802-сонли шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномасининг ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ҳар иккала ташкилот ҳам давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, юридик шахс ҳисобланиб, ташкилот раҳбари шартномани имзолаш ҳуқуқига эга. Шартномада шартнома предмети, баҳоси, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда томонларнинг банк реквизитлари тўлиқ кўрсатилган бўлиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишини аниқладим. Шунинг учун ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос: 

Пудрат шартномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

1. Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) бажариш жадвали.
2. Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) молиялаштириш жадвали.

Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари  
ЖАДВАЛИ

Жиззах вилояти Янгибод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари

Т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати (минг)сумда	2022-йил учун қурилиш қиймати (минг)сумда												Ишлар тури қийматининг жами(минг)сумда
				II – чорак				III – чорак				IV – чорак				
				Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь				
1	2	3	4	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17			
1	Жиззах вилояти Янгибод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари	Проект смета ишлари ва экспертиза хулосасига асосан	1523980,0					1 171 981,997	192 926,062	159 071,941	xxxxx	xxxxx	1523980,0			

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолд аиншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.  
1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисоблангани ва унинг ажралмас қисми деб қаралади.  
2. Қелгуси йиллардаги қурилуш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.



**Буюртма Чис**  
Раҳбар:  
М. Ҳ.

М Саидов

“Жиззах вилояти Янгибод туманидаги Хўжамушкент сув омбори гидротехника иншооти тизимини автоматлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари”  
Ишларни (босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолдаги молиялаштириш жадвали

Молиялаштириш шarti	Қурилиш йиллари 2022 йил.												ЖАМИ	
	Ойлар													
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь		
15 % бўнак(аванс) тўлови (Сум)								228597000						228597000
85% бажарилган ишлар далолатномаларига асосан (Сум)								943384997	192926062	159071941				1295383000
ЖАМИ (Сум)								1 171 981 997	192 926 062	159 071 941				1523980000

ПУДРАТЧИ:

Раҳбар:

 М Саидов



БҮЮРТМАЧИ:

Раҳбар:

М.Ў.

У Аракулов

